2011-yil 13-dekabr № 148 (3029) seshanba

Insonga naf keltirish — oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.**

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

# «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»дан

# «Мустаҳкам оила йили»га

*Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш — бош мақсадимиз

***Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тайёр хомашё цехи машинисти Абдулазиз Соҳибов корхона маблағи ҳисобидан Қоравулбозор шаҳрининг Имом Бухорий маҳалласида бунёд этилган коттежлардан бирига эга бўлди. Замонавий уй-жойда яшаш учун барча шароит муҳайё. Шунингдек, заводнинг кўплаб ёшлари ҳам ана шундай уй-жойларга кўчиб ўтишди.***

### 31 оилага замонавий коттежлар

— Замонавий лойиҳа асосида қурилган бундай ҳовлига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — дейди корхонанинг асосий маҳсулот ишлаб чиқариш цехи оператори Ойбек Соҳибов. — Завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасига катта раҳмат. Бундай ғамхўрлик оиламиз тинч-тотувлиги, ҳаётимиз фаровонлиги учун хизмат қилишига ишончим комил.

Бу каби дил сўзларини янги уй-жойларга кўчиб кирган барча хонадон соҳибларидан эшитиш мумкин. Шу тариқа кун сайин чирой очаётган Нефтчилар қўрғонида завод ишчи-ходимлари учун бунёд этилган коттежлар сони 730 тага етди.

— Жамоа шартномасида белгиланганидек, завод раҳбарияти билан келишилган ҳолда аъзоларимиз, уларнинг оила аъзолари истиқболи учун ғамхўрликни янада кучайтирамиз, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳошим Қосимов.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан махсус Давлат дастури амалга оширилаётгани тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга катта туртки бўлмоқда.***

### Тадбиркорлар учун қулайлик

Хоразм вилоятида ҳам давлат дастури ижроси борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлар сафига 996 та янги кичик бизнес субъектлари қўшилди. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиялар саъй-ҳаракати билан фаолият кўрсатмаётган 56 та субъект ўз фаолиятини бошлади. Шу йилнинг ўзида вилоятда 15,1 млн. АҚШ доллари қийматидаги 164 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 1279 та янги ишчи ўрни яратилди. Мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан бўш турган 816 та нотурар жой фонди давлат объектлари аниқланиб, уларнинг 695 таси ижара шартномаси асосида тадбиркорлар ихтиёрига берилди. Бу каби имтиёз ва қулайликларга жавобан хоразмлик тадбиркорлар бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш, бир сўз билан айтганда мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**М. ТЎРАБОЕВА**

***Сирдарё вилоятининг ҳар бир маҳалласида бештадан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари яратиш, уларда ўнтадан йигирматагача янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.***

### 4265 та янги иш ўрни

Дастурга кўра, олис қишлоқлар ва аҳоли пунктларида ташкил этилган 1441 та янги объектларда 4265 киши доимий ишли бўлди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Қаршидаги «Муродов Муродулла Рамазонович» хусусий корхонаси бундан ўн бир йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, дастлаб 2 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганди.***

### Сифатли сут маҳсулотлари

Жамоа раҳбари М.Муродовнинг ташкилотчилиги туфайли маҳсулот тури 15 хилга етказилди. Айни пайтда қаймоқ, сариёғ, сметана, кефир, пишлоқ, творог, бринза, музқаймоқ каби сифатли маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Корхонада бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлайдиган замонавий технология ўрнатилган. Сотиб олинган 30 бош зотдор қорамолнинг 15 тасини соғин сигирлар ташкил этади.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

***Косонсойдаги «Ал-азиз» МЧЖ асосан болалар учун оёқ кийимлар ишлаб чиқаради. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 16 минг жуфт маҳсулот вилоят ҳамда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларига етказиб берилди.***

### 50 киши ишли бўлади

МЧЖ директори Баҳодир Тошматовнинг таъкидлашича, йил сўнгига қадар Хитойдан 160 минг АҚШ долларилик замонавий ишлаб чиқариш линияси келтирилади. Натижада, яна 50 нафар юртдошимиз муқим иш жойига эга бўлади.

**Ўз мухбиримиз**



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

***Президентимиз Ислом Каримов томонидан Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» дея эълон қилинганлиги юртимиз ижтимоий ҳаётида жуда улкан воқеа бўлди. Кириб келаётган йилимизнинг бундай номланиши оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги эзгу ишлар кўламининг кенгайишига ёрдам беради, қолаверса, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни яна бир поғона юқорига кўтаради.***

***Юртбошимизнинг ушбу тадбирда сўзлаган маърузасида эътибор қаратилган қатор муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотлари етакчи ва фаоллари ҳам якунланаётган йилимизда амалга оширилган ишларини сарҳисоб қилиб, янги йилда қилинажак юмушларни белгилаб олишмоқда. Қуйида бир гуруҳ ташкилот раҳбар ва фаолларининг шу муносабат билан билдирган фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилаяпти.***

***Оила — инсоний бахтнинг тўла-тўкислигини таъминловчи омил. Шу маънода истиқлол йилларида юртимизда оилага жамиятнинг муҳим бўғини сифатида эътибор қаратилганлиги, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил тизим яратилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, экологик шароити оғир Оролбўйи минтақасида бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили ҳудудда яшовчи минглаб болаларнинг юртимиздаги сўлим масканларда жойлашган оромгоҳларда соғломлаштирилиши бунга яққол мисолдир. Қолаверса, касаба уюшмалари томонидан ишловчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиниши, улар ўртасида маданий тадбирлар уюштирилиши каби ишларни санаб ўтиш мумкин.***

### Муқаддас даргоҳ

Келгуси йилда ушбу йўналишдаги фаолиятимиз янада кенгайиб, мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий муҳитни юксалтириш йўналишида касаба уюшмалари ҳам бор куч, имкониятларини сафарбар этади. Бу борада режалаштирилаётган кенг кўламли ишларни амалга оширишда барчамиз ўзимизни масъул деб ҳисоблашимиз, жамиятимизда ҳар томонлама намунали оилаларнинг кўпайишига ҳисса қўшишимиз зарур.

**С.НИЕТУЛЛАЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

### Эзгу ният билан

***Халқимизда оила муқаддас тушунча сифатида улуғланади. Мустақиллигимиз бизга барча эзгу қадриятларимиз қатори оилага муносабатимизни ўзгартирди, унинг инсон камолотидаги ўрни муҳим эканлигини чуқур англашимизда мустаҳкам замин яратди. Давлатимиз томонидан ёш оилаларга уй-жой сотиб олиши учун ипотека кредитлари ажратилиши, ҳудудларда замонавий турар-жойлар қурилиши, уларнинг яшаш учун қулай шароит билан таъминланиши юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан далолат беради.***

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» дея эълон қилиниши оила ҳамиша давлат эътиборида эканлигини, бу йўналишда янада кенг қамровли ишлар амалга оширилишини англатади. Шундай экан, касаба уюшмаларидан ҳам келгуси йилда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратиш, соғломлаштириш сингари фаолият йўналишларида муҳим вазифаларга эътибор қаратиши талаб этилади.

Бугунги кунда вилоятимиз касаба уюшма фаоллари катта ишчанлик билан янги йилимизнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқувчи ўз таклиф ва режаларини ишлаб чиқишга киришганлар. Ўйлаймизки, эзгу ният билан бошлаган ишларимиз фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Э.РАЖАПОВ,**
**Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

***Юртимизда қишлоқ хўжалиги аҳолининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг шахсий томорқа ва деҳқончилик хўжалигидан самарали фойдаланиш ҳақидаги Республика аҳолисига Мурожаати «Мустаҳкам оила йили» вазифалари билан ҳамоҳанглик касб этмоқда.***

### Муштарак вазифалар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоятимизда 1,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Шу мақсадлар учун 91 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Туманимизда ҳам кичик бизнес субъектлари ривожига эътибор ортмоқда.

Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг оиласи фаровонлиги ва фарзандлари камоли, юрт тараққиёти йўлида амалга оширилаётир. Шу маънода кириб келаётган йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталиши бу борадаги фаолиятимизни янада кенгайтиришни тақозо этади.

**Усмон РАҲМОНОВ,**
**Сардоба туман АСМ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**

***Оила — жамиятнинг энг асосий ҳал қилувчи бўғини. Кириб келаётган йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб аталиши халқимизнинг дилидаги гап бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш, бу борадаги қонун ва ҳужжатларнинг замон талаби даражасида бўлишини таъминлаш муҳим вазифа этиб белгиланди.***

### Мустаҳкам ва фаровон

Корхонамизда икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бу икки мингдан зиёд оила демакдир. Ҳар бир оиланинг моддий таъминоти, тегишли имтиёз ва имкониятлардан етарли даражада фойдаланиши ҳамиша диққат марказимизда. Оилани биринчи галда уй-жой билан таъминлаш, болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей ва коллежларда ўқиб, таълим олиши, олий ўқув юртларида таҳсил кўриши учун шарт-шароит яратиш касаба уюшмасининг ҳам доимий эътиборида. Шу маънода корхонамиз ишчи-хизматчиларининг интилиши, орзу-мақсадлари «Мустаҳкам оила йили»да янада тез ва тўлиқ амалга ошиши йўлида тегишли вазифаларни белгилаб олаяпмиз.

**Малик МУЛЛАЖОНОВ,**
**Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Соғлом турмуш тарафдоримиз

***Оила — муқаддас қўрғон. Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб соғлом оила, соғлом жамият барпо этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилган ишларни санаб саноғига етиш қийин. Аммо мўътабар даргоҳ ҳисобланган оила, унинг ривожи ҳақида қанча ғамхўрлик қилинса, бу келажагимиз учун шунчалик мустаҳкам замин яратади.***

Президентимиз томонидан кириб келаётган йилнинг «Мустаҳкам оила йили» дея эълон қилиниши биз, шифокорларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Чунки соғлом оиланинг асоси бўлган соғлом бола ва соғлом онани тиббиёт ходимларининг заҳматли меҳнатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада тизимда амалга оширилган хайрли ишлар яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда жаҳондаги энг нуфузли ташкилот мутахассислари томонидан кенг эътироф этилиб, Ўзбекистон тажрибаси кўплаб давлатларга намуна сифатида кўрсатилди.

Мустаҳкам оила деганда, аввало, хонадондаги соғлом муҳит, фарзандлар камоли, улар учун яратилган шарт-шароитлар назарда тутилади. Оиласидан кўнгли тинч кишигина жамиятга фойда келтиради.

**Улуғбек ИМОМБЕРДИЕВ,**
**Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

### Оила қўрғонининг чароғбони

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари олдида ҳам меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси, иш билан бандлиги, оилалар даромадининг юксалишини таъминлаш борасида қатор вазифалар турибди. «Мустаҳкам оила йили» ташкилотимизнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини янада кучайтиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Хусусан, янги йилимиз ўз мазмун-моҳияти билан касаба уюшмаларининг аҳоли ўртасида шахсий томорқа ва деҳқон хўжалигидан унумли фойдаланиш борасидаги эзгу ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан жамоа шартномалари асосида йўлга қўйилган «Усто-шогирд» тизими ривожида, янги иш ўринлари яратилишида кенг имконият эшигини очади.

Юртбошимизнинг тантанали маросимда: *«Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсдан чиқармаслигимизни истардим»*, деган сўзлари барча ўзбек аёлларини тўлқинлантирди. Бу давлатимиз томонидан юртимиз хотин-қизларига қаратилаётган эътибор, уларнинг соғлиги, турмуши, жамиятда фаоллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг яққол исботи бўлди.

**Гулжаҳон ТИЛЛАЕВА,**
**Норин туманидаги 1-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси**

Ishonch
2011-yil 13-dekabr № 148 (3029)

Қишлоқ мулкдорлари

**Бир пайтлар Зубайда Сатторова, Майрам Гадоева, Меҳри Наврўзова, Маърифат Жабборова сингари хотин-қизлар Жондор туманидаги «Навработ» қишлоқ фуқаролар йиғинидан вилоят марказидаги «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига ишга қатнашарди. Бозор иқтисодиётининг талабларига бардош беролмаган гигант-йигирув тикув корхонаси банкротга учраб, фаолиятини тугатишга мажбур бўлди. Навработлик аёллар бир оз тушкунликка тушиб, уй-рўзғор, томорқа ва дала ишлари билан банд бўлган бир паллада тадбиркор Саиджон Йўлдошевнинг Ойтуғди қишлоғида янги тўқимачилик корхонаси ташкил этгани тўғрисида хабар тарқалди.**

# Тараққиёт сари дадил қадам

Бугун «Жондор — Мега текстил сервис» масъулияти чекланган жамияти тумандаги истиқболли корхоналар сафидан ўрин олган. Бундан уч йил илгари момиқ сочиқ ва бўз матоси ишлаб чиқариш йўналишида фаолиятини бошлаган МЧЖ бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан нафақат ички бозордан, балки хориж давлатларида ҳам муносиб ўрин топишга улгурди.

— Илк қадамни 37 нафар ишчи-ходим билан ташлаган эдик. Ишлаб чиқарган маҳсулотимиз ҳам фақат ички бозорда сотиларди, — дейди корхона ижрочи директори Зарифа Пирматова. — Бултур эса маҳсулот ишлаб чиқариш қийматини 2,625 миллиард сўмдан оширган ҳолда унинг 1,632 миллион АҚШ долларига тенг миқдорини экспортга чиқардик. Ишчилар малакасининг ошиб бораётгани, мавжуд дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланиш эвазига имкониятимиз доираси ҳам кенгайди. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида Россия Федерациясиси бозорларига 576 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот чиқардик.

Корхона фаолиятига чуқурроқ назар ташланса, бундай ривожланиш босқичига осонлик билан эришилмаётганлиги ойдинлашади. Чунончи, қисқа давр мобайнида Россияда ишлаб чиқарилган бўз тикиш дастгоҳлари 57 тага, сочиқ тўқишга мўлжалланган дастгоҳлар эса 50 тагача етказилди. Асосий хомашё — ип-калава Навоий вилоятидаги «Навбаҳор текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидан келтирилади. Юқори сифатли бўёқлар Туркия давлатидан харид қилинади.

Айни пайтда жамоа ишчи-ходимларининг 80 фоизи ёш йигит-қизлардан иборат. Устоз-шогирд йўналишида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Оддий қишлоқ қиз-жувонлари хориж дастгоҳларини моҳирлик билан бошқариб, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишаяпти.

Ўз навбатида, корхона маъмурияти ҳам ходимларга ғамхўрлик доирасини кенгайтирмоқда. Маошлар ойма-ой тўлаб борилмоқда. Корхонага элтувчи қишлоқ йўлларидан 5 километри асфалт қилинди. Ишга келиб-кетиш учун ишхона ҳисобидан автобус ажратилди. Бепул овқат ҳам бериляпти. Меҳнатда ибрат кўрсатаётган ходимлар қўшимча моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Бу эса меҳнат аҳлини юқори самараларни эгаллашга даъват этмоқда.

— Олдимизда катта вазифалар турибди, — дейди корхона бош директори Саиджон Йўлдошев жамоанинг истиқболи тўғрисидаги берган саволимизга жавобан. — 500 минг АҚШ долларига Туркиядан харид қилинган сочиқ тўқийдиган 20 та замонавий дастгоҳ яқин кунлар ичида янгидан қурилган цехларга ўрнатилади. Бу имкониятларни ишга солиш ҳисобидан 2012 йилда доимий иш ўринларини 120 тага етказиш ниятидамиз.

Бош директор амалга оширилаётган ишлар, истиқболли режалар ҳақида гапирар экан, айрим муаммоларни ҳам тилга олди. Жумладан, туман марказидан 10 километр олисда жойлашган «Жондор — Мега текстил сервис»да электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлаётгани иш самарасига салбий таъсир кўрсатаётган экан. Бу каби яна бир неча ечимини кутаётган муаммолар ҳамкорликда ҳал этилса, иш ўрни янада кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган, жамоанинг ички ва хорижий бозордаги нуфузи ортган бўларди.

Корхона фаолияти билан танишув чоғида Саиджон Йўлдошев бир фикрни айтиб қолди. Туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Карим Раҳимов қишлоқ тадбиркорини қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоага сабзавот, полиз, чорва маҳсулотлари етиштириш учун алоҳида майдон ажратибди. 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан корхона атрофидан яна бир гектар ер берилибди. Хуллас, йигирув цехини ташкил этиш режаси туғилибди. Бу тараққиёт сари яна бир дадил қадам бўлишига шубҳа йўқ.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Томорқа — хазина

**Турсунбой амаки асли наманганлик, аёли Қумри ая эса фарғоналик эдилар. Фалакнинг гардиши айланиб, урушдан сўнг улар Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманининг сўлим бир гўшасидан қўним топишди.**

**Бу жойларнинг ҳавоси мўътадил, суви мўл, сахий қуёш нурлари беқиёс. Деҳқончилик ота-бобосидан мерос эмасми, Турсунбой амаки буни дарҳол илғади ва даставвал кўплар қатори далага чиқиб тер тўкди. Деҳқонларга бош бўлиб, бригадирлик қилди. Бўш пайтларида эса 20 сотихга яқин ҳовли-жойига қаради. Томорқанинг бир четига мевали дарахт кўчатлари қадади. Каттагина қисмга мева-сабзавот, картошка, турли кўкатлар ва зираворлар экди. Уйидан анча нари масофага сим тўсиқ тортиб, курка, ўрдак, товуқ боқишни йўлга қўйди. Ундан сал нарида эса молхона қуриб, сигир, қўйни кўпайтирди. Қишда томорқанинг бўшаган қисмида иссиқхона бунёд этди.**

## Турсунбой амакининг иссиқхоналари

Натижаси эса чакки бўлмади. Боғ, полиз маҳсулотларининг рўзғордан ортгани «бозорчи»ларга улгуржи топширилаверди. Қиш бўйи қад ростлаган ниҳолларнинг харидорлари эрта кўкламдан уйи ёнида тирбанд бўлиб кетарди. Шу зайлда йиллар ўтаверди. Шинамгина уй қуриб, суюкли рафиқаси билан тотли турмуш кечирди. Кетма-кет туғилган, ўзи сингари паҳлавон келбатли ўғиллари, хушрўй-хушсурат қизлари тез орада бўй кўрсатди.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари рост экан. Фарзандлар ҳам йил-ўн икки ой ота-оналари сингари даладан бери келмас, бўш пайтларида бутун оила баҳамжиҳат ўзларининг томорқаларида ғимирлашарди. Кўплар иссиқхона қилишни Турсунбой амакидан ўрганди. Қаҳратон қиш кунларида ҳам бу хонадонда баҳорий кайфият ҳукм сурар, гуркираб ўсиб ётган кўкатлар кўнгилни яшнатарди.

Меҳнат қилиб ҳеч ким кам бўлган эмас. Даромад орқасидан ўғиллар уйланиб, рўзғорлари бўлак бўлди. Ота хонадони ёнгинасидан Эрйигит ўз уйини қурди ва кенггина ҳовлисининг асосий қисмини томорқага айлантирди. Кўча бошида ҳовли қилиб чиққан Раҳимнинг рўзғори ҳам фаровон. Ғофирнинг ҳам нолийдиган жойи йўқ. Амакининг тўрт қизи ўзидан тиниб-тинчиб ўтиришибди. Қўра тўла мол-ҳоли, ҳовли-жойлари, томорқалари бор.

Дунё — меҳмонхона, ҳар инсон — ўткинчи бир меҳмон. Жуфти ҳалоли Қумрихон аядан айрилган кун Турсунбой амаки «энди яшолмасам керак» деб ўйлаган эди, анча вақт қўли ишга бормай юрди. Бироқ тирик инсон яшашга маҳкум. Тонглар отаверади, кунлар ботаверади, улкан дард қалб қаърига бекитилиб умр ўтаверади. Саксонни қоралаб, вақт ўз ҳукмини ўқигунга қадар Турсунбой амаки ҳам болаларига бош бўлди. Унинг ҳайҳотдек ҳовли-жойи, жаннатга монанд боғи, томорқаси кенжатойи Собирга қолди. У отасидан-да ўтиб тушди. Турсунбой амаки қурдирган мўъжазгина иморатни буздириб, қўш қаватли қаср бунёд эттирди. Ҳали шу пайтга қадар бозордан мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар сотиб олинган эмас, ўзларидан чиқади.

— Ер инсониятга берилган буюк туҳфа. Унга меҳр қўйсангиз, сира кам бўлмайсиз, — дейди Собир Тилянов фарзандларига. Бобонгиз туфайли биз қашшоқлик нималигини билмадик, сиз ҳам билманг. Бунинг учун эса меҳнат қилишдан толманг.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Бирни кўриб фикр қил...

**Наманган тумани Хонобод ҚФЙ ва Янгийўл МФЙда ўтказилган кўргазмали семинарда қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ташкилот раҳбарлари, тижорат банклари бошлиқлари, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ туман бошлиқлари, ННТлар вакиллари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, касаба уюшмалари туман кенгашлари раислари, туман ҳокими ўринбосарлари иштирок этди.**

Унда ушбу ҳудудларда томорқа еридан самарали фойдаланиш бўйича қилинган ишлар, плёнка остига экилган экинлар агротехникаси ва юқори ҳосил олиш тажрибаси, саноат усулида парранда боқиш ишларида намуна бўлаётган илғорлар тажрибалари ҳақида сўз борди.

Абдувоҳид Ҳамидовнинг 0,12 гектар иссиқхонасида карам, саримсоқпиёз, пиёз, турп, кўкатлар етиштириш, агротехник тадбирлар ўтказиш, Б.Жўраевнинг томорқа ерида маҳаллий усул билан кўчат етиштириш, плёнка остида ҳосил олиш каби ишлар билан танишилди. Шунингдек, уруғлик, қишлоқ хўжалиги ишлари учун зарурий асбоб-ускуна, иш қуроллари сотуви бўйича амалга оширилаётган ишлар, минерал ўғитлар кўчма савдо дўконлари масаласи ҳам кун тартибига қўйилди.

**Феруза ЭРМАТОВА,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассиси**

## Натижа чакки бўлмайди

**Ҳудудимиздаги 139877 та хонадон қарамоғида сермаҳсул 12.597 гектар ер бор, сув ҳам мўл. Бу ёғига мавжуд майдонлардан унумли фойдаланилса бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги қарорига кўра, вилоят ҳокимлиги томонидан аҳоли шахсий томорқасидан оқилона фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар дастури тузилиб, 1888 нафар фаол ишга жалб этилди. Шундан 408 нафари бевосита касаба уюшма ходимларидир.**

Жойларда бўлиб, аҳоли томорқалари, дала ерлари ҳолати билан чуқур танишдик. Кармана туманининг Ҳазора, Қизилтепа туманининг Ванғози, Бўстон, Хатирчи туманининг талай қишлоқ фуқаролар йиғинларида жойлашган хонадонларда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Бироқ қаровсиз, ўз ҳолича ташлаб қўйилган томорқа ёхуд экин майдонлари ҳам йўқ эмас. Хуллас, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини жадал бошлаб юбордик. Ўйлаймизки, натижа чакки бўлмайди.

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари**

Меҳнат муҳофазаси

**Ишчи-ходимларга қулай меҳнат шароити яратиш, хавфсизлик техникаси масалаларини кенг тушунтириб бориш, меҳнатни муҳофаза қилиш касаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги муҳим масалалардан саналади.**

## Тегишли тавсиялар берилди

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 6 млрд. 592 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Натижада бу борада аҳвол ижобий томонга ўзгарди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда «Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши тизимидаги 6 та, жумладан, «GM-Ўзбекистон», «ЎзСэМюнг КО» қўшма корхонаси, «Ўз-Донг ЖУ Пэинт КО» МЧЖ, «Ўз-КорамКО» МЧЖ, «Ўз Коджи» ҚК, «Ўз-Тонг Хонг КО» қўшма корхоналарида ишловчиларнинг иш шароитлари, махсус кийим ва пойабзаллар билан таъминланиши ўрганилди. Уларга камчиликларни бартараф этиш учун тавсиялар берилди.

Бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланган шахслар ва боқувчисини йўқотган оилаларга товон пули бериш доимий назоратга олинган. Бу масалалар бўйича иккита корхонада текшириш олиб борилиб, қонунбузилишлар бартараф этилди.

**Музаффар АЗИМХЎЖАЕВ,**
**Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**

Семинар

# Амалий ёрдам

**Хонқа туманида 163 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд. Бугунги кунда уларнинг фаолияти талаб даражасидами? Аъзолик афзаллигини асослаш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва бошқа қатор масалалар ечимига етарли эътибор қаратиляптими?**

Шу каби саволларга жавоб топиш, муаммоларни ўрганиш ва бартараф қилиш чораларини кўриш, амалий ёрдам бериш мақсадида Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари бошланғич ташкилотларда бўлдилар.

Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бекчанбой Матёқубов иштирокида семинар йиғилиши ўтказилди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойидан кейин тизимда туб бурилишлар, янгиланишлар кузатилди, — дейди Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти раиси Комилжон Ражабов. — Ушбу ислоҳотлар замирида бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш назарда тутилган. Аъзолик бадалларининг 53 фоизи бошланғич ташкилотларда қолдирилиши, уларга кўрсатилаётган эътибор бизни янада шижоат билан фаолият кўрсатишга, замон билан ҳамнафас одимлашга ундайди.

— Ҳар бир бошланғич ташкилот фаолиятини намунали йўлга қўйишга катта эътибор қаратаяпмиз, — дейди бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Озод Отажонов. — Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан касаба уюшмалари тўғрисида ишлаб чиқилган йўриқнома дастуруламал бўлмоқда. Самарали фаолият кўрсатишимиз учун барча шароит яратилган. Бошланғич ташкилотлар обрўйини кўтармасдан, фаолиятини яхшиламасдан туриб аъзолик афзаллигини асослай олмаймиз.

Тадбирда бошланғич ташкилот етакчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**М. ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**




**«Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Йил аёли — 2011» анъанавий республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

«Нурафшон-НУР» хусусий корхонаси раҳбари Муҳаббат Тошмуҳамедова «Йил аёли — 2011» республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибаси, деб топилди.

— Корхонамиз ташкил этилганига беш йилдан ошди, — дейди М.Тошмуҳамедова. — Турли соҳалар вакиллари учун махсус иш кийимларини тикиш билан шуғулланамиз. Корхонамизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини «Устоз-шогирд» лойиҳаси бўйича ишга жойлаштиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган эътибор корхонамиз эришаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда.

**Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

Ўқув

## Камчиликлар бартараф этилади

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бир гуруҳ фаоллари Қашқадарё вилоятида бўлишиб, тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини янада ривожлантириш бўйича ўз тавсияларини бердилар.**

Амалий ўқув-семинар якуни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтди. Уни тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг Марказий кенгаш раиси ўринбосари Нигора Нурматова бошланғич ташкилотлар фаолияти, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари олдида турган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Зафар Алиев «Жамоа шартномаларини тузиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш», Фарҳод Тошкенбоев «Маънавият ва спорт ишларини олиб бориш», Дилором Тошматова «Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Устави асосида ҳужжатлар билан ишлаш», етакчи ҳисобчи Гулнора Абидова «Касаба уюшмаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш» мавзуларида маъруза қилиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Амалий ўқув-семинар бошланғич ташкилот етакчилари учун яна бир тажриба мактаби вазифасини ўтади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Обуна — 2012

# Эртага ҳам кун бор

**Эрта бугундан бошланади, деган фикр ҳар биримизга қандай юмуш билан машғуллигимиздан қатъи назар ўзига хос масъулият юклайди. Буни истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашида 2012 йилга обуна муносабати билан бўлиб ўтган учрашув чоғида яна бир карра ҳис этдик.**

— Мажбурий обуна йўқ, ўзаро мажбурият бор, — деди касаба уюшмаси етакчилари билан учрашувда Бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев. — Муносабатларимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Токи «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари кўпроқ ўқувчиларга бориб тегсин ва айни вақтда касаба уюшма фаолиятини ёритиш, унинг мазмун-мундарижасини бойитиш давр талабларига мос келсин.

Ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган эркин мулоқот асноси кўплаб қимматли фикрлар билдирилди.

***Атҳам Эргашев — «Тошбозортайёрловсавдо» бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси:***

— Газета ҳам мазмунан, ҳам шаклан тобора яхшиланиб бораётганини кўриб турибмиз. Лекин уни янада жозибали қилиш учун бир талай имкониятлар мавжуд. Хусусан, тўртинчи саҳифага эътиборни, кучайтириш лозим. Ҳикоя, шеър, ҳажвия ва ҳар хил латифаларни мутолаа қилиб, ҳордиқ чиқаришнинг ҳам ўз гашти бор.

***Машҳура Ходжаева — Яккасарой туман тармоқ ходимлари касаба уюшмаси мутахассис йўриқчиси;***

— Касаба уюшма аъзолигига жалб қилиш ишлари жонланиб, сафимиз тўлиб бораётган бир пайтда улар ўзларининг аъзо сифатида қандай ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатланганликларини яхши билишлари керак. Бунда ўз нашримиз ҳисобланган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўрни беқиёс. Шундай экан, газета саҳифаларида барча тармоқлар, шунингдек, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмасида олиб борилаётган фаолият бир хил даражада ёритилса, айни муддао бўларди.

***Қодиржон Ҳасмонов — тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқ бўлими мудири:***

— 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди. Мустаҳкам оила эса жамият таянчи эканлигини ҳаммамиз биламиз. Демак, газетада ижтимоий ҳимояга оид чиқишларни кўпайтириш, қолаверса, ҳамиша газетхонларда катта қизиқиш уйғотиб келаётган, турмушнинг у ёки бу масалаларини ўзида акс эттирган ҳуқуқий савол-жавобларга эътиборни янада кучайтириш лозим.

Дарҳақиқат, эртага ҳам кун бор. Ҳаёт ўз тузатишларини ҳар қанча киритмасин, уни аввалдан режалаштириб олган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Зеро, учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар келгуси йилда газетамизда ўз ўрнини топишига шубҳа йўқ.

**Ўз мухбиримиз**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 13-dekabr № 148 (3029)

Байрам туҳфалари

***Байрамларнинг ўзига хос туҳфалари бор. Кўнгилга қувват, руҳга кўтаринки кайфият бағишлайди. Ўзбекистон Конституциясининг 19 йиллик байрами муносабати билан кўмакка муҳтож, ногирон ва беморларга ёрдам бериш, табаррук кексалар дуосини олиш сингари халқимизга хос олижаноб хайр-саховат тадбирлари янада кенг қулоч ёзди.***

# Қароқларда порлаган қувонч

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бир гуруҳ ходимлари билан байрам совғаларини топшириш учун Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган 2-болалар Мурувват уйига кириб борганимизда хушовоз хонанданинг Ватан ҳақидаги дилбар қўшиғи янграрди.

Кейин билсак, Мурувват уйида Конституция кунига бағишланган тадбир асносида 2-Тошкент Тиббиёт Академиясининг ҳаваскор талаба санъаткорлар гуруҳи ўз дастурлари билан болаларни хушнуд этаётган экан. Қувноқ мусиқа таъсирида дардлар гуё чекингану, кўнгиллар меҳр, саховат қуёшидан чароғон бўлгандай болакайлар давраниі тўлдириб рақсга тушишарди. Энагаси кўтариб олган юролмайдиган кичкинтойдан тортиб ногиронлар аравачасида олдинги қаторда саф тортиб турган болаларнинг ҳам кўзларида қувонч порлайди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Бўритош Шодиева Мурувват уйи ходимлари ва болажонларни байрам билан қутлаб, давлатимизнинг Бош Қомуси бўлган Конституциямиз ҳаётбахшлигини Мурувват уйида имконияти чекланган болалар учун яратилган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўриш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қўшма тадбирлар режаси доирасида Халқаро ногиронлар куни ҳамда Конституциямизнинг 19 йиллиги муносабати билан тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 280 жуфт спорт пойабзаллари болаларга ҳадя этилди.

Бундай эътибор ва саховатдан нафақат болажонлар, балки Мурувват уйи ходимлари ва даволанувчиларнинг ота-оналари ҳам мамнун бўлишди.

— Озод ва обод юртга байрамлар, тантаналар ярашади, — деди болалар Мурувват уйи директори Умида Асадуллахўжаева. — Кечагина масканимизда Халқаро ногиронлар кунини катта байрам қилган эдик. Бугун касаба уюшмалари ўзининг байрам совғаси билан меҳр-мурувватга ташна болаларимизга қувонч улашди.

Мурувват уйида 350 нафар ўзгалар ёрдамига ўта муҳтож бўлган ақлан заиф ва жисмонан ногирон бола тарбияланиб, даволанади. Шунингдек, улар махсус дастур асосида ўқитилиб, ҳаётга тайёрлаб борилади. 6 нафар шифокор, 20 нафар ҳамшира, 30 нафар педагог болалар атрофида парвона.

— Ишончим комилки, касаба уюшмалари тақдим этган спорт пойабзаллари республика болалар Мурувват уйлари ўртасида ўтказиб келинаётган Параолимпия мусобақаларида бизнинг болажонларимизнинг бу йил ҳам фахрли биринчи ўринни эгаллашида моддий ва маънавий рағбат бўлади, — дейди директор У. Асадуллахўжаева.

Мурувват уйида шу куни кўнгил кўнгилдан сув ичди, меҳр-саховат риштаaларидан хаста диллар руҳий қувватланди.

**А. ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Президент билан учрашган мураббий




***Бугун мамлакатимизда спортнинг энг нафис тури — бадиий гимнастика ривожига етарли шароит яратилди. Юзлаб заллар гимнастика билан шуғулланиш учун мослаштирилди, янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Авваллари шаҳардагина учратиш мумкин бўлган шароитлар энди қишлоқда ҳам табиийликка айланиб улгурди. Ваҳоланки, яқин-яқингача жийдакапаликлар қачонлардир қизалоқлари лента-ю ҳалқаларни маҳорат билан ўйнатиб, гилам устида капалакдек рақс тушиб, қувонарли натижаларни қўлга киритиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмас эди.***

***Дарвоқе, тилга олганимиз — Жийдакапа қишлоғи Наманган вилоятининг Уйчи туманида жойлашган. Бу қишлоқнинг тупроқ кўчаларини чангитиб, болалик завқини тотганларнинг неча-нечаси давлатимиз шаънини турли соҳаларда улуғлаб келишмоқда. Шу сабабми, Жийдакапа кейинги йилларда ўзгача чирой очаётир. Кўркам иншоотлар, маиший объектларни кўриб, «Шаҳарга келиб қолдимми?» дея иккиланишингиз ҳеч гап эмас. Нигорахон ҳам бу ерга келин бўлиб келаётганда, «Касбимни давом эттиришга имкон бўларкан», дея севинганди. Бугун эса у нафақат спорт мураббийси, балки Президент билан юзма-юз мулоқот қилган жийдакапалик сифатида Уйчининг фахрига айланди. Бу ҳақда батафсилроқ тўхталсак.***

## Орзулар томон қадам...

Нигора Ҳамдамова Ёрқўрғон қишлоғидаги 38-мактабда таҳсил олди. Ўша пайтлардаёқ спортга қизиқиши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Мактабни тамомлагандан сўнг, ҳеч иккиланмай «Ғайрат» педагогика коллежининг жисмоний тарбия бўлимига йўл олди. Ундаги истеъдод, шижоат ва иштиёқ устозларининг эътиборини тортди. Ўз устида ишлашга имкон яратиш, спортдаги муваффақиятларига кўмаклашиш мақсадида Нигорага Наманган шаҳридаги «Ёшлар мажмуаси»га йўлланма беришди.

Бу ерда бош мураббий Ирина Мировна Ким тиниб-тинчимас шогирдига олти ой давомида бадиий гимнастика сир-асрорини ўргатди. Нигора мураббийлик масъулияти ва шарафини теранроқ англай бошлади. Жажжи шогирдларига талабчан бўлиш билан бир қаторда, керакли ўринда далда, меҳр ва ишонч бера олиш ҳам мураббийнинг зиммасидаги бурч эканлигини тушуниб етди. Қалбида шундай эзгу туйғулар собит бўлган Нигора Ҳамдамова дастлаб туман марказидаги 14-мактабгача таълим муассасасида, болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этди. 2010 йилдан 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида Жийдакапа қишлоғидаги 18-мактабда ҳам тўгарак фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирда тўгарак аъзолари сони етмиш нафардан ошди.

## Юракка жо бўлган шижоат

— Иш бошлаганимда шароит етарли эмас эди, — дейди Нигора. — Наманганда бўлиб ўтган мусобақада қизалоқларимиз иштироки вилоятимиз ҳокими эътиборини тортди. Раҳбарларнинг эътибори, касаба уюшмасининг ғамхўрлиги билан 2011 йилнинг январ ойида замонавий ва шинам залга эга бўлдик. Сифатли таъмир ишлари, ечиниш ва кийиниш хоналарининг ташкил этилганлиги бизни қувонтирди. Деразаларга махсус пардалар осилди. Хивадан катта ҳажмли гиламлар келтирилди, прожекторлар ўрнатилди. Пухта шуғулланишимиз учун спорт инвентарларини таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси тақдим этди. Шу ўринда кенгаш раиси Мирзамаҳмуд Тўхтабоевга маънавий ва моддий кўмак учун миннатдорчилигимни билдириб ўтсам.

***— Қишлоқда бадиий гимнастика билан шуғулланиш, боз устига қизларни жалб этиш қийинчилик туғдирмадими?***

— Бошида бироз қийин кечгандек эди. Ҳозир одамларнинг фикрлаши ўзгарган. Спортнинг саломатлик учун катта фойдаси борлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Айни пайтда 2-, 12-, 14-, 18-, 41-мактабларда таҳсил олувчи 5-15 ёш орасидаги етмиш нафардан ошиқ қизлар машғулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Тинимсиз машқлар самарасини берди. Вилоят ҳокими соврини учун Тўрақўрғонда ўтказилган мусобақада тўгарак аъзоси Муслима Акбаралиева биринчи, Гавҳар Умарова иккинчи ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида ҳам фахрли ўринлар қўлга киритилиши одат тусига кирди.

***— Юртбошимиз билан учрашишдек бахтга сазовор бўлдингиз. Қалбингизни қамраган туйғулар ҳақида ўртоқлашсангиз...***

— Шу йил 30 сентябр куни вилоятимизнинг бир қатор спортчи ёшлари бу бахтга мушарраф бўлдик. Президентимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг меҳрини қалбдан ҳис қилдим. Мулоқот чоғида фаолиятимизга қизиқиш билдирдилар. Қишлоқ қизларининг бадиий гимнастика билан шуғулланишига шароит яратилгани ва бундан ёшлар унумли фойдаланаётганини эшитиб, хурсанд бўлдилар. «Бизга нафақат чемпионлар, балки қаддиқомати келишган, гўзал, ақлан ва жисмонан соғлом қизлар керак. Шундагина оналаримиз, фарзандларимиз соғлом бўлади» деган сўзлари мени ниҳоятда тўлқинлантирди. Демакки, бекорга жон куйдирмаяпман. Озми-кўпми хизматларим эвазига ғолибаларгина эмас, соғлом миллат кафолати бўлган соғлом оналар ҳам пайдо бўлишади. Ўша кунги суҳбат юрагимга янада улкан шижоат жойлади. Ниятларим улуғ, ҳаракатим ҳам шунга муносиб бўлишига интилаётирман. Шогирдларимни шоҳсупаларга йўллаш учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.

* * *

*Кўзларида шиддат учқуни порлаган Нигора Ҳамдамова билан хайрлашар эканмиз, умидлари рўёбини тиладик. Бунинг учун унда ҳамма имкон бор: шароит, мадад ва энг ҳавас этгулиги — Юртбоши эътиборидаги ғамхўрлик.*

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



Сурхондарё вилояти Узун тумани 14-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хурсанд Эшназарова 30 йилдирки ёшларни баркамол этиб тарбиялаш йўлида фидойилик кўрсатиб келади.

Унинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, 2006 йил «Шуҳрат» медалига, 2010 йилда эса «Дўстлик» орденига сазовор бўлган Х.Эшназарова бундай рағбатдан руҳланган ҳолда янада фаол бўлишга, таълим ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилиб келмоқда.

**Суратда: Х.Эшназарова ўқувчилари даврасида.**

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

Учрашув

# Бола шодлигидан олам мунаввар

Яқинда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман бирлашган қўмитаси фаоллари тумандаги сил касаллигини кичик ва пасайиб бораётган формаларини ўқитиб, даволашга ихтисослашган 42-мактаб-интернат ўқувчилари билан учрашув ўтказди.

Бирлашган қўмита раиси Муқаддас Фазлиддинова болажонларга ўқишларида муваффақият тилаб, уларга касаба уюшмасининг совғаларини топширди.

— Бугунги тадбир барчамизни қувонтирди, — дейди мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Фарангиз Раимжонова. — Мактабдошларимдан 80 нафари касаба уюшма совғасига эга бўлди. Қизлар учун қишлик кофта-юбкалар, ўғил болаларга костюм-шим, футболка, бошланғич синф ўқувчиларига сумка, ўқув қуроллари тўплами тортиқ этилди. Бундан жуда хурсандмиз.

**Ўз мухбиримиз**

Касаба уюшма спорти

# Оммавийлик ошмоқда

***Шаҳрисабздаги «Беруний» оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишлаб Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотлар жамоалари ўртасида волейбол мусобақаси ташкил этилди.***

25 та жамоа иштирок этган мусобақада эркаклар ўртасида Талимаржон ИЭС унитар корхонаси жамоаси биринчи, «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» ОҲЖ ходимлари иккинчи, Деҳқонобод калий ўғитлар заводи волейболчилари учинчи ўринни қўлга киритишди.

Аёллар гуруҳида эса «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси жамоасига тенг келадигани топилмади. Деҳқонобод калий ўғитлар заводи вакиллари иккинчи, «Муборакиссиқликэнергиямаркази» спортчилари учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Лондон олимпиадасига йўлланма...

Андижон давлат университети талабаси, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Руслан Нуриддинов Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 94 килограммгача бўлган вазнда силтаб кўтаришда 221 кг. тошни кўтариб, кумуш медалга сазовор бўлди ва Лондон олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**

# Тарбия — саодат

***Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир.***
**Абдулла Авлоний**

Мулоҳаза

Қўшнимизнинг биз билан тенгдош фарзанди мактабда деярли ҳар кун болалар билан уришиб, барчанинг дилини хира қиларди. Бу ҳолат ота-онасининг парвосига ҳам келмасди. Куюнчак синф раҳбари уйига келиб, уларга аҳволни тушунтирди. Зарур чора кўриш кераклигини, йўқса, оқибати яхши бўлмаслигини айтди.

Шундан кейин вазият бироз ўзгарди. «Муштумзўр» эркатой қўлига дафтар-китоб олиб, вазифаларни бажарадиган, ўртоқлари билан ҳам тортишмайдиган бўлди. Ҳамма хурсанд. Бироқ бу узоққа чўзилмади. Орадан бир неча йил ўтиб, ота-онаси йўқлигидан фойдаланган ўғил қўшнилариникига ўғриликка кирди...

Фарзанд баркамол бўлиб етишса, оилага қувонч келтиради, эл-юртга таянч бўлади. Буюк аллома Форобий айтганидек: «Дарахтнинг камолга етгани меваси билан, бахт-саодатнинг мукаммал бўлиши яхши хулқлар билан тўлади».

Болалар катталарга тақлид қилишга уринишади. Қизиқ туюлган қилиқлар, гапириш услубини, ўзини тутишни тушунмаган ҳолатда ўзлаштиради. Ёш боладан «Катта бўлсанг кимга ўхшашни хоҳлайсан?» деб сўраганингизда «бувимга, бувамга» ёки бўлмаса «дадамга, ойимга» сингари жавобларни оласиз. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бежизга айтилмаган.

Тарбиянинг бузилишига сабаб бўлувчи бир қанча омиллар ҳам пайдо бўлди. Масалан, телевизордаги беҳаё филм ёки кўрсатувлар, интернетдаги ёшлар онгига салбий таъсир қилувчи матн, ахборот, расмлар, қўл телефонларидаги видеороликлар...

Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади». Зеро, тарбияли, маънавиятли ёшлар юртимиз эртаси, келажагимиз бунёдкорларидир.

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси «Каттақўрғонёғмой» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси, Марказий кенгаш раёсати аъзоси Анор Қодировага турмуш ўртоғи

**Карим РАҲМОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгашининг собиқ раиси

**Одил ВАФОЕВ**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман кенгаши ҳисобчиси Шодиёр Мамасолиевга онаси

**МЎМИНАОЙ момо**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish — oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:** 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.10

Buyurtma Г — 1211

12824 nusxada bosildi

1 2 3 4